# ОЛАЙ МУМИЁСИНИ ДИУРЕЗГА ТАЬСИРИНИ ЎРГАНИШ ВА УНИ ХАЛҚ ТАБОБАТИДА ҚЎЛЛАНИЛИШИ

**Мамадалиев Ш.И.**

фармакология, клиник фармакология ва тиббиёт биотехнологиялари

кафедраси ассистенти

**Муаммонинг долзарблиги.** Карбонгидраза ингибиторлари, қовузлоқ диуретиклари, тиазидлар, калий сақлаб қолувчи ва осмотик диуретик каби сийдик хайдовчи воситалар тиббиётда жуда кенг қўлланилади. Лекин ушбу фармацептик воситаларни етарлича ножўя таьсирлари мавжуд. Масалан агарда доктор хомиладор аёлга қовузлоқ диуретики бўлган фурасемидни қўлласа амнион суюқлиги тез камайиши ва хомилани халок бўлишига олиб келиш мумкин. Фанга маьлумки кўп холатларда хомиладорларда псевдогипералдостеронизм учрайди ва беморда қон босими кўтарилиши ва шишлар кузатилади. Шунинг учун биз ножўя таьсирлари кам ва диуретиклиги майин бўлган воситаларни топиш актуал муаммо хисобланади. Шу холатларни хисобга олган холда биз мумиёни диурезга таьсирини ўргандик. Мумиё ўсимлик-минерал қоришмаси бўлиб, Хиндистон, Урал, Кавказ, Узбекистон, Қирғизистон, Афғонистон, Тибет, Непал каби давлатлардаги тоғларда учрайди. Уларнинг номланиши хам учраш худудига қараб хар хил Шиладжит, Силаджита, Маратхи ёки Гуджарати (хиндча), Асфальт (инглизча), Силажат (бенгалча), қоя шарбати (Тибет), Хаджаруль-Муса ёки Арак-аль-джебаль (арабча), Мумиё ёки Мумнаэй (форсча), μούμια (грекча), Муему (русча), Мумиё (немисча). Мумиё 3000 йилдан буён суяклар синиши, остеоартрит, антисептик, анорексия, гемаррой, семириш, иммунитет пасайиши, импотенция, меьда яра касалликларида ва хаттоки қондаги қанд миқдорини камайтиришда хам қўлланиб келинмоқда. Бизнинг тадқиқот халқ табобатида таьсирлари кам табий воситаларни янги хусусиятларини ўрганиш.

**Тадқиқот усуллари.** Тажрибага вазни 160-200 г 10 та каламушлар танлаб олинади. Каламушлар эркин харакат қилишга имкон яратилди, хона харорати назорат қилинди ва рационга кўра озиқлантирилди. Биринчи куни махсус сийдик йиғиш учун имкон берадиган қафасларга каламушлар жойланди ва уларга оддий сув ва рациондаги озуқа берилди. Суткали сийдик йиғиб олинди ва умумий диурез миқдори, электролитлар (креатинин, натрия, калия) миқдори аниқланди. Иккинчи куни 5% ли (50 мг/кг) мумиё экстрактидан эритма таёрлаб олинди ва сув ўрнига тажриба хайвонларига берилди. Суткали сийдик йиғиб олинди ва умумий диурез миқдори, электролитлар (креатинин, натрия, калия) миқдори аниқланди. Юқоридаги сийдик миқдоридаги электролитлар сийдик анализаторида аниқланди. Олинган натижалар Стьюдент мезонни орқали статистик тахлил қилинди.

**Натижалар.** Биринчи кунги йиғиб олинган сийдикда қуйидаги натижалар кузатилди: суткали умумий диурез 4,0 ± 0,25, креатинин 2,3 ± 0,11, натрия 11,2 ± 0,62, калия 576,5 ± 29,81. Иккинчи кунги йиғиб олинган сийдикда эса қуйидаги натижалар кузатилди: суткали умумий диурез 5,2 ± 0,23, креатинин 2,4 ± 0,5, натрия 16,7 ± 1,25, калия 921,8 ± 40,24.

Олинган кўрсаткичларни таққослайдиган бўлсак, натижалар шуни кўрсатмоқдаки мумиё берилган куни диурез 25% га ошган, креатинин миқдорида эса деярли ўзгариш бўлмаган.

Натрия ва калий миқдори тажрибада контролга қараганда тегишли равишда 50 ва 60 % га ортган.

**Хулоса.** Таржриба шуни кўрсатдики мумиёда кучсиз бўлсада диуретиклик хусусияти мавжуд экан. Буни сийдикдаги натрий ва калийни сийдик орқали юқори миқдорда чиқиб кетишидан хам кўриш мумкин. Чунки диуретикларнинг таьсир механизими нефрондаги натрий ва калий ионларни ингибирлашдан иборат. Тажрибадан келиб чиқиб мумиёни кучсиз бўлсада диуретик восита сифатида хам қўлласа бўлади.